БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 21 (2054). | 30 январь. сешанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Кеча «Правда»да КПСС Марказий Комитетининг Пленумини 1962 йил 5 мартда чақириш тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Марказий Комитет Пленумининг муҳокамасига «Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида партиянинг вазифалари» деган масала киритилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладчи қилиниб тасдиқланди.

Бизнинг улуғ Ватанимиз ажойиб бир замонда яшаб турибди. КПСС XXII съезди ўз ишини тамомлаганига уч ой бўлди. Бу съездда қабул қилинган партия Программаси янги жамиятнинг орзу қилинган чўққиларига борадиган йўлимизни зўр машъал каби ёритмоқда. Совет халқи коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришнинг, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни зўр куч билан юксалтиришнинг чуқур илмий асосга қурилган плани билан қуролланди.

XXII съезд ўз ишини тамомлаши биланоқ партия ишчилар, колхозчилар, зиёлилар кенг оммасини мўлжалланган планларни амалга ошириш учун курашга сафарбар қилиш соҳасида жуда катта ташкилий ва сиёсий иш бошлаб юборди. Совет кишилари Программанинг улуғлиги билан фахрланиб, уни зўр ғайрат билан амалга оширишга киришдилар. Улар коммунизм қуриш ишига бутун куч, ғайрат, ақл-заковат, талант ва ижодий меҳнатларини сарфлашни ўз бурчлари деб билмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми партия ва совет халқининг ҳаётида катта воқеадир. Марказий Комитетнинг пленумларини мунтазам равишда ўтказиб туриш, бу пленумларда умупартиявий ва давлатнинг туб масалаларини муҳокама қилиш кейинги йилларда бизда қоида бўлиб қолди. Бу — халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини ривожлантиришга, кадрларимизни ва барча коммунистларни коммунистик қурилиш вазифаларини амалий ҳал қилиш учун партия ва халқ олдида юксак масъулият руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи ажойиб традициядир.

Марказий Комитетнинг 5 мартда чақириладиган Пленуми партия XXII съездининг тарихий қарорларини амалга оширишдаги муҳим босқич бўлади. Пленум коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашда жуда катта аҳамиятга эга бўлган масалани муҳокама қилади.

«Қишлоқ хўжалигини юксалтириш программасини амалга ошириш учун кураш, — дейди Ўртоқ Н. С. Хрушчев, — **коммунистик қурилишнинг асосий участкаларидан биридир. Бу ўз моҳиятига кўра мислсиз хўжалик вазифасигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, партиямиз олиб бораётган бутун ташкилотчилик, сиёсий ва идеология ишларининг ҳам муҳим қисмидир. Коммунист учун, раҳбар учун марксизм-ленинизмни эътиқоф қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди. У, моддий бойликлар ишлаб чиқаришни, ҳозирги шароитда эса, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирмоқ учун ҳамма чораларни кўриши керак. Олга томон бундай ҳаракат бўлмаса, социализм ва коммунизм бўлиши мумкин эмас».**

Совет кишилари Н. С. Хрушчев бошчилигида партия ленинчи Марказий Комитетининг кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида қилган жуда катта ишини қизғин маъқулламоқдалар. Партия бутун халқнинг актив иштироки билан колхозлар ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб олди, машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилди, совхозларнинг коммунистик қурилишдаги ролини оширди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштиришнинг янги тартибини жорий қилди, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдор бўлишини таъминловчи ленинча принципни тиклаб олди, колхозлар ва совхозларни раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлади, бошқа жуда муҳим тадбирларни амалга оширди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги совет халқининг партия раҳбарлигида меҳнат соҳасида қилган улуғ шижоати бўлди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида партия томонидан кўрилган чоралар ўзининг реал натижаларини берди, бундан бўён эса тагин ҳам ажойиб натижалар беради. КПСС XXII съезди қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти беш йил ичида ундан олдинги беш йилдагига нисбатан 43 процент кўпайганлигини қайд қилиб ўтди. Дон ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш анча кўпайди. 1961 йилда давлат уч миллиард икки юз миллион пуд — бундан олдинги йилдагига қараганда 320 миллион пуд кўп ғалла харид қилди. Колхозлар ва совхозларда ҳамма турлардаги чорва моллар сони кўпайди. Бироқ, умуман бутун мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, айниқса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг суръатлари аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган даражага ҳали жавоб бераётгани йўқ.

КПСС XXII съезди Марказий Комитетнинг ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган резолюцияда коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун қишлоқ хўжалигининг резервларидан бундан буён ҳам зўр бериб фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Партия Марказий Комитети бу вазифани бажаришга совет халқининг кучини зўр ғайрат ва матонат билан сафарбар қилмоқда.

Коммунистик партиянинг кучи омма билан, турмуш билан узилмас алоқада бўлиб туришдадир. Партия ишчилар, колхозчилар, зиёлилар билан, барча совет кишилари билан доимо маслаҳатлашиб иш олиб бормоқда. Совет жамиятини ривожлантиришнинг етилган вазифаларини муҳокама қилишга партиялилар ва партиясизлар оммасини кенг равишда тортиш бизда система бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, XXII съезддан сўнг қишлоқ хўжалик ходимларининг зона кенгашлари ўтказилди. Бу кенгашлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тағин ҳам беқиёс тез суръатлар билан кўпайтирмоқ учун колхозлар ва совхозларнинг имкониятларидан фойдаланишнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Бу кенгашларнинг ишларида қишлоқ хўжалигининг илғорлари, ташкилотчилари ва мутахассисларидан, олимлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарларидан 33 мингга яқин киши қатнашди. Зона кенгашлари совет қишлоғи меҳнаткашларининг партия планларини амалга оширишга қаттиқ бел боғлаганликларини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш тўғрисидаги хабарни шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Совет кишилари бизнинг партиямиз, партиянинг ленинчи Марказий Комитети XXII съезд қарорларини бажариш учун халқнинг моддий фаровонлигини тинмай ошириш учун нақадар зўр сабот ва ижчилик билан қураш олиб бораётганлигига қайта-қайта қаноат ҳосил қилмоқдалар.

Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиш планларини муваффақиятли амалга оширмоқ учун бизда зарур шароитларнинг ҳаммаси бор. Социалистик қишлоқ хўжалик системамизнинг ўзи қудратли кучга эгадир. Бизда табиат стихияларини якка-ёлғиз деҳқоннинг ўзигина эмас, балки замонавий техника билан, ишлаб чиқаришни рациональ бошқариш тўғрисидаги илмий билимлар билан қуролланган, жамият олдидаги ўз бурчини чуқур тушунган меҳнаткашларнинг уюшган коллективлари курашиб енгмоқда. Колхоз ва совхозларимизнинг имкониятлари битмас-туганмасдир. Бунга деҳқончилик ва чорвачиликни намунали олиб бориш ва юксак меҳнат унумдорлиги йўлини очиб бераётган қишлоқнинг илғор кишилари минглаб мисолларда исботлаб бердилар. Улар қишлоқ хўжалигининг энг хилма-хил тармоқларида ва мамлакатнинг энг хилма-хил зоналарида нақадар ажойиб натижаларга эришдилар!

Партия қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассисларининг тажрибаси ва билимларига таяниб, тез ишга солиниши зарур бўлган резервларни кўрсатиб берди. Ердан тўғри фойдаланиш, экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқиш, кам ҳосилроқ бўлган экинларни серҳосилроқ экинлар билан алмаштириш, ўт-далали системадан қатъиян воз кечиб, чопиқ қилинадиган экинлар экиш системасига, маккажўхори, қанд лавлаги, дуккакли экинлар экишни кўпайтиришга ўтиш — мана шуларнинг ҳаммаси ҳар бир гектардан энг кўп маҳсулот олиш, етарлик миқдорда дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкониятини вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни қатъият билан йўқотиб, уни янги талаблар даражасига кўтарганимиздагина колхозлар ва совхозларнинг жуда катта имкониятларидан муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш туб масаладир. Ҳозирги кунда бу масала деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш планларини амалга ошириш учун курашдаги асосий масаладир. Марказий Комитет шунинг учун ҳам бу масалани Пленум муҳокамасига киритди.

Шуни унутмаслик керакки, — дейди Н. С. Хрушчев, — фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражаси шароитида, бизларга мавжуд моддий ресурслар ва резервлар шароитида бутун иш асосан ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этишга, кучларни жой-жойига қўйиб ва улардан билиб фойдаланишга боғлиқдир. Бизнинг муваффақиятларимизни ва бизнинг ғалабамизни мана шу нарса белгилаб беради. Партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларидан биринчи галда талаб қилинадиган нарса шуки, улар одамларни моҳирлик билан ташкил этишлари, уларнинг техникани, илғор тажрибани эгаллаб олишларига ёрдам беришлари, уларни руҳлантириб туришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумига тайёргарлик коммунизм қурувчилари бўлган совет кишиларининг ижодий ташаббусини янада зўр куч билан юксалтириб юбориши шак-шубҳасиздир. Партия ташкилотлари колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг сиёсий ва меҳнат активлигига бошчилик қилишлари, бу активликни навбатдаги энг зарур вазифаларни ҳал қилишга йўллашлари лозим. Кўкламги экишга яхшироқ тайёрланиш, техникани ўз вақтида ва яхшилаб ремонт қилиб қўйиш, сара уруғликларни ғамлаб қўйиш, ўғитларни кўпроқ жамғариб қўйиш, чорва ишловини муваффақиятли тугаллаш, деҳқонларга ва чорвадорларга прогрессив иш усулларини ўргатиш — мана шу ва бошқа амалий ишлар партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Моддий неъматлар етиштиришни кўпайтириш учун, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл қилиш учун кураш ҳозирги куннинг чинакам қаҳрамонона ишидир. Шаҳар ва қишлоқда социалистик мусобақа алангаси тағин ҳам кўпроқ гурулласин! КПСС Марказий Комитетининг Пленумини меҳнатда, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик!

(**«Правда»** газетасининг 29 январдаги бош мақоласи).

РЕПОРТАЖ

ҲАЁТ МАКТАБИ

Район марказидан ўтиб «Малик» совхози томон йўл олганимизда осмон эндигина ёришган эди. Қуёшнинг илк нурлари оҳиста сузаётган лахтак-лахтак булутлар узра ўтиб, далаларга олтин кокил ёймоқда. Аммо бу нур совуқ ҳавони ҳали илитганича йўқ.

Тарашадек қотган йўлда шиббалаб гўнг ортилган аравани қақирлатиб ҳайдаб келаётган йигитга дуч келдик.

— Ҳорманг, биродар!

— Саломат бўлинг.

— Жавод аканинг тажриба мактабига қайси йўл билан борсак бўлади?

— Мана шу йўлдан кетаверинг.

Йигит айтган йўлдан юриб, кўп ўтмай манзилга етдик. Шинамгина бинонинг эшигига «Жавод Кўчиевнинг илғор тажриба мактаби» деб ёзиб қўйилибди. Ғиж-шиж ёришиб турган коридорга кирганимизда рўпарадаги эшик орқасидан аёл кишининг майин овози эшитилди. Шу пайт чап томондаги эшикни очиб бир йигит чиқиб биз билан самимий сўрашди. У кўзга иссиқ кўринди. Қаерда кўрган эдик уни?.. Ҳа, бўлди, район комсомол комитетининг секретари Нурмат Алимуҳамедов-ку!

— Сиз ҳам ўқишга келдингизми?— ҳазиллашдик унга.

— Йўқ, шу мактабга раҳбарлик қилишни менга топширишган.

Нурматжон эшикни очиб бизни ичкарига бошлади. Каттагина хонада оппоқ чойшаблар билан қопланган кроватлар турибди.

— Бу уйда узоқдан келган ўқувчиларимиз тунашади,— деди Нурматжон бизни бошқа стулга таклиф этаркан,— учта уйни ётоқхонага ажратдик. Ҳув анови ердаги ошхона ҳам уларнинг ихтиёрига берилди.

Нурматжон илғор тажриба мактаби ҳақида берган саволларимизга лўнда қилиб жавоб қайтарди:

— Бу йил районимизда 52 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Бу бригадаларнинг бошлиқлари ҳам ёшлардан. Шунинг учун ўқишда биринчи навбатни уларга бердик. Ҳозир бўлаётган машғулотда 72 та бригада бошлиғи қатнашяпти. Мактабда ўқувчилар 9 та потокда ўқийдилар. Ҳар бир потокнинг машғулотлари ўн кун давом этади. Бу ерда 19 январь куни ўқишлар бошланди.

Асосий мақсад Жавод аканинг арзон пахта етиштиришдаги илғор тажрибасини назарий ва практик жиҳатдан кенг пропаганда қилишдир. Ҳозиргача қишлоқ хўжалик институтининг профессори Автомонов ва доцент А. И. Шлейхер ўртоқлар келиб дарс беришди. Мана ҳозир САИМЭнинг илмий ходими Людмила Иннокентьевна Магай машғулот ўтказяпти.

Нурматжон гапини тугатмаган ҳам эдики, ўқувчилар тамаддиларини еб, ҳовлига чиқиб қолишди. Бироздан сўнг Людмила Иннокентьевна биз ўтирган хонага кирди.

— Ўртоқ Алимуҳамедов, ўқувчилар Валентин Тюпконинг иш тажрибаларини ҳикоя қилувчи фильмни кўришни истаяпти,— деди у биз билан кўришаркан. — Кино лентаси ҳозирмиз ердами?

— Ҳа, шу ерда. Майли тушлик сўнг кўрсатақоламиз.

Биз Людмила Иннокентьевнадан ҳозир қандай тема машғулот ўтилаётганини сўрадик.

— Машғулотимизнинг асосий мазмуни Ўртоқ Кўчиев бригадасининг иш тажрибаларини ўргатишдан иборат. Ўтган йили бригада аъзолари 200 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитни аниқ миқдорда экадиган сеялкалар ёрдами билан экишган. Натижада ягана қилишга сира эҳтиёж қолмаган. Қишда яхоб суви ўз вақтида берилган. Шу туфайли ёзда ғўзалар одатдагидан бир марта кам суғорилган. Ҳамма майдонлардаги ғўзалар фақат машиналар билан чеканка қилинган. Ғўза парваришида ҳам ҳаммасига ўхшаган илғорлар йилдагидан 25 процент камайтирилган. Пахта ҳосилининг 90 процентини машиналар билан теріб олинган. Мана шуларнинг ҳаммаси арзон пахта етиштиришнинг гарови бўлди. Бригада гектар бошига 36 центнердан ҳосил кўтарди. Бир центнер пахтанинг таннархи 7 сўмга тушди.

Мактаб ҳовлисига чиқдик. Ўқувчилар ҳар жой-ҳар жойда тўпланишиб ўзаро қизғин суҳбат қуришган. «Ленинград» колхозининг бригадири Аҳмад Отажоновнинг гаплари қулоққа чалинди:

— Людмила опанинг бояги гаплари менга жуда ёқиб тушди. Баъзи пайтларда уёқ-буёғини суриштирмасдан иш юритаверибмиз. Культивация пайтида пичоқ ишлатиладиган жойда наральник, наральник ишлатиладиган жойда пичоқ ишлатибмиз. Оқибатда ғўзаларимизнинг илдизига путур етибди.

— Гапингиз жуда тўғри,— деди «Победа» колхозидан келган Муҳаббат Иноғамова.— Мени шу бу йил бригадир қилиб тайинлашди. Пахтачиликда ҳали айтарлик тажрибам йўқ. Бригадамиз аъзолари эса 25 центнер учун кураш бошлашди. Мўл ҳосил етиштиришнинг сирларини билиб олишда бу мактаб катта ёрдам бераяпти.

Шу пайт қундуз телпакни бостириб кийиб олган, серқомат, қора мўйловли бир киши мактаб эшигидан чиқиб:

— Қани ўртоқлар, юринглар, трактор паркига борар эканмиз. Людмила опа культиваторнинг ишчи органларини қандай қилиб ишлатишни ўргатадилар, деб қолди.

Ҳамма трактор парки томон жўнади. Нурматжон уларнинг орқасидан қараб қоларкан «булар бизга яна бир қунлик меҳмон. Эртага областимизнинг турли районларидан 100 киши ўқишга келади» деб қўйди...

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
Сирдарё райони.

Суратда: Л. И. Магай мактаб ўқувчиларининг бир группасига культиватор ишчи органларининг тузилишини кўрсатмоқда.

Автор фотоси.

Сомали парламентининг аъзолари — Ўзбекистон меҳмони

СССР парламент группасининг таклифи билан Совет Иттифоқига келган Сомали Республикаси парламентининг аъзоларидан бир группаси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Чет эллик меҳмонлар республика ҳаёти билан танишиб, Самарқандга бориб келдилар, Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. М. Мусахонов 29 январда Сомали парламенти аъзолари группасини қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда у, республиканинг давлат тузилиши, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг ривожланиши ҳақида сўзлаб берди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексини «Қишлоқ хўжалик техникасидан жиноятқорона парвосизлик билан фойдаланганлик ёки асраганлик» деган 123[1] модда билан тўлдириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг «Қишлоқ хўжалик техникасидан жиноятқорона парвосизлик билан фойдаланганлик ёки асраганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги 1961 йил 29 декабрь Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексини 123[1] модда билан тўлдириб, уни қуйидаги тарзда баён этишга қарор қилади:

«123[1] модда. Қишлоқ хўжалик техникасидан жиноятқорона парвосизлик билан фойдаланганлик ёки асраганлик:

Совхозларга, колхозларга ва бошқа давлат ёки кооператив ташкилотларга қарашли тракторлар, автомобиллар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан жиноятқорона парвосизлик билан фойдаланганлик ёхуд асраганлик натижасида шу машиналар бузилганлиги ёки синиб қолганлиги, шунингдек шу машиналарнинг қисмлари тарқатиб юборилганлиги учун,—

бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш билан жазо берилади.

Неча марталаб такрорланган ёки катта зарар етказган худди шундай ишлар учун,—

уч йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазо берилади».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1962 йил 24 январь.

ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЭРТАРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК!

Қишлоқ хўжалик ходимлари! Сизларнинг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифангиз — қишки ишларни намунали ўтказишдан иборат.

Жавод Кўчиев бошлиқ бригада ўтган йили қишда ўз вақтида яхоб суви берган эди. ОҚИБАТДА ЕЗ ОЙЛАРИДА ҒЎЗАЛАР ОДАТДАГИДАН БИР МАРТА КАМ СУҒОРИЛДИ. Кўрдингизми, ўз вақтида яхоб суви бериш қанчалик катта аҳамиятга эга экан. Яхоб суви бераётганда ернинг шароитини ҳисобга олиб иш кўриш керак.

Ҳозирги пайтдаги об-ҳаво шароити бу йил ҳам сувнинг танқис бўлишидан дарак бериб турибди. Шунинг учун ғаниматфурсатни қўлдан бой бермай, ЕРДА КЎПРОҚ НАМ ТЎПЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК!

Илғор деҳқонларнинг иш тажрибалари шуни кўрсатаяптики, агар эртаги сабзавот экинларини февраль ойининг охирги ва март ойининг дастлабки кунларида экилса, ғўза биринчи суғорилгунига қадар ҳосил анча етилади. Натижада пахтакор хўжаликларда ғўзани суғориш пайтида сувнинг кўпчилик қисми сабзавот ва бошқа экинларга банд бўлмайди.

МАНА ШУЛАРНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИБ ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЭРТАРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК. ИЛҒОР АГРОТЕХНИКА УСУЛЛАРИНИ ТЎЛА ҚЎЛЛАНИБ, БАРЧА КАРТАЛАРНИ ҲОЗИРДАНОҚ ЭКИШГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚУЯЙЛИК!

Суратда: Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 40-агитпункт мудири В. А. Федотов (ўртада) агитаторларга инструктаж бермоқда.

А. Абалян фотоси.

18 МАРТ — СССР Олий Советига САЙЛОВЛАР КУНИ

АГИТПУНКТГА МАРҲАМАТ!

119-мактабга жойлашган агитпункт хизматидан ҳамма хурсанд. Агитпунктнинг ишини намунали ташкил қилишга катта эътибор берилган. Бу ерда сайловчилар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Катта ўқув залига телевизор ўрнатилган. Радиоприёмник ишлаб турибди. Қизил бурчакда эса марказий, республика ва область газеталарининг янги сонлари бор. Қизил бурчакдан ўзингиз севган журналлар ва турли брошюраларни ҳам олиб ўқишингиз мумкин.

Агитпунктга келувчиларнинг кети узилмайди. Ҳа, сайловчилар бу ердан фикрларини бойитиб қайтадилар, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб оладилар. Ўқитувчи-агитаторлар навбатчилик қилиб, сайловчиларнинг хизматида бўлмоқдалар.

Ҳар бир агитатор топширилган ишни садоқат билан бажармоқда. Х. Баҳромов, А. Алиқулова, Т. Юнусов ўртоқлар каби агитаторлар суҳбатларни мазмунли ўтказишга, сайловчиларга яхшироқ хизмат қилишга, уларнинг саволларига тўла жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

— Бизда,— дейди агитпункт мудири ўртоқ С. Сайдаҳмедов,— 52 агитатор бор. Уларнинг кўпи олий маълумотли коммунистлардир.

Яқинда агитаторларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда агитаторларнинг КПСС XXII съезди материалларини пропаганда қилишни қандай яхши ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди ва тажрибалар ўртоқлашилди.

— Лекин,— дейди ўртоқ Сайдаҳмедов,— бизнинг сайловчилар орасида олиб бораётган ишимизни ҳали қаноатланарли деб бўлмайди. Биз бундан кейин тушунтириш ишларини янада кучайтирамиз. Агитпунктдан ташқари, айниқса хонадонлардаги хотин-қизлар, кексалар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказишни кенг йўлга қўямиз. Уларга партиямизнинг XXII съезди тўғрисидаги қўйилган улуғвор вазифаларни қандай қилиб амалга ошириш йўлларини тушунтириб берамиз.

М. ЗОКИРОВ.

Октябрь райони.

XXII съезд қарорларини амалга оширамиз

Партия ишида жамоатчилик асосларини ривожлантирайлик

Киров район партия комитетининг иш тажрибасидан

☆ ☆ ☆

Суратда: (ўнгдан биринчи) идеология комиссия раиси Ҳ. Турсунов, раис ўринбосари Р. Исмоилов, снёсий маориф секцияси раиси И. Алашникова, олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари секцияси раиси А. Кустарникова, медицина ва санитария маорифи секцияси раиси Ғ. Маҳкамов, секция раисининг ўринбосари Ҳ. Мунавварова, оммавий-муҳофаза ишлари секцияси раиси М. Икромов ва партия пропагандаси секцияси раиси С. Калмензон ўртоқлар комиссия ишини жонлантириш тўғрисида ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИ

Х. ТУРСУНОВ,

Киров район партия комитети ҳузуридаги жамоатчилик асосида ташкил этилган идеология комиссиясининг раиси

<>

КПСС XXII съезди халқимизнинг ижодий ташаббусига кенг йўл очиб берди. Партиямизнинг омма билан алоқаси янада мустаҳкамланди, унинг жанговарлик қобилияти кун сайин ошмоқда.

Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Москва, Горький ва бошқа шаҳарлардаги партия ташкилотларида жамоатчилик асосида идеология ишлари билан шуғулланадиган комиссиялар тузиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Бизнинг район партия комитетида ҳам илғор партия ташкилотларидан намуна олиб, ана шундай комиссия тузилди. Ҳозир бу комиссиянинг составида 30 коммунист бор. Улар омма ўртасида пропаганда ва агитация ишларини тубдан яхшилашда район партия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Комиссиянинг снёсий-оқартув ишлари, партия маорифи, ишлаб чиқаришда янги техникани пропаганда қилиш, адабиёт ва санъат, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, оммавий-мудофаа ишлари, санитарияни тарғиб қилиш каби секциялари тузилган. Секция аъзолари ишга уюшқоқлик билан киришдилар. Ҳозир улар районнинг саноат корхоналарида ва муассасаларида тез-тез бўлиб, партиямиз XXII съездининг тарихий ҳужжатларини ўрганишнинг бориши билан танишмоқдалар, пропагандистларга, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига малакали амалий ёрдам бераётирлар.

Комиссия аъзолари омма ўртасида снёсий докладлар, лекция ва суҳбатлар ўтказишга ҳам катта эътибор бермоқдалар, ўзлари лекция ўқимоқдалар. Жумладан, улар механткашлар ўртасида КПСС XXII съездининг тарихий аҳамияти, шахсга сиғиниш ва унинг зарарли оқибатларини тушунтириш, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва ривожланиши, СССРда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифалари, миллий муносабатлар соҳасида партиянинг вазифалари, Ўзбекистон ССР ҳўжалиги ва маданиятини ривожлантириш перспективалари ва бошқа темаларда мазмунли лекциялар ўқидилар. Бу лекциялар тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Х. Мунаввароа, Р. Исмоилов, М. С. Каменсон, М. Икромов каби ўртоқларнинг лекция ва суҳбатларга пухта тайёрланишлари орқасида тингловчилар сонн борган сари кўпаймоқда.

Комиссия аъзоларининг ёрдами билан райондаги саноат корхоналарида, жумладан, Тошкент транспорт машинасозлиги заводида ишчи ва инженер-техник ходимларнинг назарий конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётир.

Бундан ташқари комиссия район партия комитети бюросининг мажлисларига материаллар тайёрлашда ҳам муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Яқинда комиссия аъзоларининг актив иштироки билан республика маориф министрлиги, алоқа ва физкультура институтлари партия ташкилотларининг иши текшириб чиқилди ва бунинг натижаси райком бюросида кенг муҳокама қилинди. Бюро партия ташкилотларининг снёсий ва илмий билимларни тарқатиш соҳасида эришган тажрибаларини умумлаштирди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

Комиссия аъзолари райондаги кўпгина маҳаллаларда ҳам бўлиб турадилар. Улар район меҳнаткашлари ўртасида коммунистик тарбиянинг қандай йўлга қўйилганлигини атрофлича ўрганиб чиқдилар ва снёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда нималарга эътибор бериш зарурлиги юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини район партия комитетига маълум қилдилар.

Биз бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ҳам идеология иши бўйича жамоатчилик асосида комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Бу иш қанчалик тез бошланса, ишимиз шунча самарали бўлади, бошланғич партия ташкилотларининг омма билан алоқаси яна ҳам мустаҳкамланади.

Комиссия аъзолари СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик кетаётган ҳозирги кунларда янада самарали ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар сайлов кампаниясига актив қатнашишни ўзларининг асосий бурчларидан бири деб ҳисоблайдилар. Ҳозир комиссиянинг кўпгина аъзолари агитпунктларнинг ишини жонлантириб юборишда маҳаллий партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар, агитаторларнинг семинар ва йиғилишларини мазмунли ўтказишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Район партия комитети ҳузурида идеология комиссиясининг ташкил этилиши — катта снёсий аҳамиятга эгадир. Бизнинг районда бу комиссиянинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида комиссия ўзини оқлади, бу иш жуда фойдали эканлиги билинди. Областимизнинг бошқа районларида ҳам шундай комиссиялар тузиш яхши натижалар беради.

Биз ишимизни янада яхшилаш учун бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз. Комиссия аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириб, секциялар ишининг самарали ва мазмунли бўлишига эришамиз.

☆

ҲИССА ҚЎШАМАН

В. А. СЕМЕРКОВА,

Пайпоқ трикотаж фабрикаси касаба союз комитетининг раиси, райкомнинг штатсиз инструктори.

<>

Ўтган йилнинг октябрь ойидан буён район партия комитетининг штатсиз инструктори бўлиб ишлаб келмоқдаман.

Мен район партия комитетининг топшириғига мувофиқ ишни дастлаб 4-мебель фабрикасидан бошладим. Бу ерга келишимдан мақсад фабрика бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари ишини ўрганиш, аҳволни яхшилаш учун қўлимдан келган ёрдамни кўрсатиш эди. Бу ерда ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий темаларда лекция-суҳбатлар уюштириш, ёшлар кечаларини ташкил этиб туриш сингари муҳим масалалар эътибордан кўтарилган экан.

Фабрикада бўлганимда кўпроқ шу масалаларга эътибор бердим. Фабрика партия ва комсомол ташкилотлари ишини атрофлича ўрганганидан кейин, унинг натижаларини райком бюросида муҳокама қилишишни сўрадим. Район партия комитети бу фикримни ҳисобга олди.

Бюрода муҳокама қилинганидан сўнг фабрикада иш бирмунча юришиб кетди. Социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилди, илғорлар сафи кўпайди. Шунингдек, маҳсулотнинг сифати бирмунча яхшиланди. Қисқа вақт ичида фабрика ишчиларидан 8 киши комсомол сафига қабул қилинди.

Тўқимачилик-трикотаж фабрикасида бўлиб, доимий ишлаб чиқариш кенгашининг иши билан шуғулланганимда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган баъзи бир дуруст таклифлар маъмуриятнинг эътиборидан четда қолаётганлиги аниқланди. Шундан сўнг аҳволни яхшилаш тадбирлари белгилаб чиқилди. Натижада кўпгина қимматли таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, меҳнат унумдорлиги анча ошди.

Бундан ташқари район партия комитетига коммунистлар томонидан тушган шикоятларни текшириш ва бошқа ишларда қатнашиб турибман.

БУЛАР ЯНГИ, ЗЎР КУЧ

А. АБДУЛЛАХОНОВА,

Ўзбекистон КП Киров район комитетининг секретари

□ □ □

Партия XXII съезди ҳаётимизнинг ҳамма соҳаси учун янги ва улкан истиқбол режаларини белгилаб берди ҳамда бу истиқболга эришиш йўлларини кўрсатди. Съезд мамлакатимизда коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган ҳозирги шароитда партиявий раҳбарлик савиясини янада юқори босқичга кўтариш, партиявий ишларни ҳамма чоралар билан яхшилаш, партия ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик асосларини имкони борича кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг активлиги қанчалик ошса партиямизнинг совет жамиятидаги роли шунча кучаяди, демак коммунистик қурилиш шунчалик тезлашади.

Партия ички ҳаётида демократияни кенгайтириш йўлида шахсга сиғиниш пайтида гўё бўлиб келган тўсиқлар олиб ташланганидан кейин бошқа жойлардаги каби бизнинг районимиз партия ташкилотларида ҳам жамоатчилик асослари бирмунча ривож топди. Кўпгина партия ташкилотлари, корхона ва муассасалар ҳамда давлат органларида жамоатчилик асосларида илмий-техника, рационализаторлар ва ихтирочилар жамиятлари, конструкторлик технология ва иқтисодий анализ бюролари, партия контроль комиссиялари, райжрокомларнинг бўлимлари, снёсий маориф кабинетлари, методик кенгашлар, кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, хотин-қизлар советлари ташкил этилди. Минглаб меҳнаткашлар, юзлаб коммунистлар уларнинг ишида актив қатнашмоқдалар.

Коммунизмнинг яққол бўртиб турган ана шу куртаклари кун сайин барқ уриб яшнамоқда. Бу куртаклар совет кишиси маънавий қиёфасининг очиқ-ойдин ифодасидир.

Маош олиб ишлайдиган партия ходимлари сони тобора камайиб, уларнинг ҳар бири ўрнига жамоатчилик асосида ишлайдиган бир нечтадан ходим жалб этилаётганлиги айниқса қувончлидир.

Биз район партия комитетига кейинги ойларда бир неча штатсиз инструкторни жалб этдик. Улар олий, махсус ўрта ва ўрта маълумотли, омма ўртасида иш олиб бориш тажрибасига эга кишилар бўлиб, район партия комитетининг коммунистлар ва барча меҳнаткашлар билан алоқасини кучайтиришда бизга жуда катта ёрдам бермоқдалар, партия ишига кўпгина қизиқ ва самарали янгиликлар киритмоқдалар.

Штатсиз инструкторларимиздан 26 киши ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадор, қолган 6 киши эса пенсионер коммунистлардир. Улар асосан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини атрофлича ўрганиб, амалий ёрдам берадилар. ишни янада яхшилаш юзасидан тадбирлар белгилаш ҳақидаги масалани райком бюроси муҳокамасига киритадилар, бюрода муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашда, пленум ва партия активи йиғилишларига ҳозирлик кўришда актив қатнашадилар.

Бу соҳада пайпоқ-трикотаж фабрикаси касаба союз комитетининг раиси В. Семеркова, 1919 йилдан буён партия аъзоси пенсионер И. Нусберг, шунингдек Ильина, Максимчук ўртоқлар каби штатсиз инструкторларимиз иши тақдирга сазовордир.

Штатсиз инструкторлар қанчалик катта мадад эканлигини кўрсатувчи бир мисол: райком инструктори ўртоқ Глазунов меҳнат отпускасига кетганида унинг ўрнида штатсиз инструкторимиз ўртоқ Сагидуллин ишлаб турди. Айтиш керакки, у маош олмасдан райком секретарининг ёрдамчиси вазифасини сидқидилдан бажарди.

Ўтган йил ноябрь ойида район партия комитети ҳузурида жамоатчилик асосида идеология ишлари бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссияни тузишда райком аъзоси, Алоқа институти марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири ўртоқ Ҳабиб Турсунов зўр ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўрсатди. Дастлаб комиссияда марксча-ленинча таълим, оммавий-снёсий ва агитация ишлари, санитария маорифи, адабиёт ва санъат, оммавий мудофаа секциялари бор эди. Ҳозир у яна анча кенгайди. Комиссия секцияларига омма орасида идеология ишлари олиб бориш моҳир, пропагандист ва агитаторларга малакали ёрдам бера оладиган ва бу ишдан ўзи завқланадиган гайратли, ташаббускор кишилар жалб этилди. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча жойда партия XXII съезди материаллари юзасидан назарий конференциялар ўтказдилар, Ёзувчилар союзи, Алоқа институти ва республика Маориф министрлиги партия ташкилотлари фаолиятини чуқур ва атрофлича ўрганиб, райком бюроси муҳокамасига тайёрладилар.

> *ПАРТИЯ ОММАГА, КОММУНИЗМНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯРАТИШГА, ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЎЗИНИНГ РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ ДАРАЖАСИ КОММУНИЗМ ҚУРИШ ДАВРИНИНГ УСИБ БОРУВЧИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШИ ҮЧҮН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИНГ ФОРМАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ҮЗЛУКСИЗ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРАДИ.*
>
> *ПАРТИЯ, КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРАЁТГАН ХАЛҚНИНГ ИЛҒОР ОТРЯДИ СИФАТИДА, ЎЗ ИЧКИ ПАРТИЯВИЙ ТУРМУШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ҲАМ ОЛДИНДА БОРМОҒИ, КОММУНИСТИК ИЖТИМОИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ МУКАММАЛ ФОРМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА НАМУНА ВА ЎРНАК КЎРСАТМОҒИ ЛОЗИМ.*
>
> **(КПСС Программасидан).**

Идеология ишининг бошқа соҳаларида ҳам жамоатчилик асосларини ривожлантиришга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Ҳозир район корхоналари ва муассасаларида жамоатчилик асосида 6 та снёсий маориф кабинети, 4 та методик кенгаш ва группа, 9 та халқ университети мунтазам ишлаб турибди. Уларга энг яхши пропагандист ва агитаторлар, семинар раҳбарлари, олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларнинг мудирлари, юқори малакали партия ва хўжалик ходимлари жалб этилган. Партия маорифи шохобчаларида машғулот ўтказаётган пропагандистларга ва агитаторларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган методик кенгаш ва группаларнинг ўзига 150 дан ортиқ актив тортилди. Улар жойларга бориб, бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бермоқдалар.

Бундан ташқари район партия комитети ҳузурида доимий семинар ташкил этилган, ёш пропагандистларга мунтазам равишда консультациялар бериб турилибди.

Ҳозирги пайтда районда 900 дан ортиқ пропагандист КПСС XXII съездининг тарихий материалларини ва бошқа муҳим ҳужжатларни пропаганда қилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу пропагандистларнинг ҳаммаси машғулотларни қандай ўтказаётганини кузатиб бориш, улар ўқиётган лекция ва докладларни таҳлил қилиб туриш жуда қийин иш. Шуни эътиборга олиб биз жамоатчилик асосида снёсий маориф кабинетлари ташкил этдик. Республика жамиятнинг район бўлими ҳамда район халқ маорифи бўлимининг педагогик билимлар университети ташкил этиш тўғрисидаги таклифларини қўллаётгани ҳамда ўтган йилнинг охирида бу университет иш бошлади. Университет райондаги ўқитувчиларнинг снёсий ва илмий билимларини, педагогик маҳорати ва ота-оналар билан ишлаш тажрибасини оширишга, ота-оналарни ўз фарзандларини соғлом фикрли коммунизм қурувчилари қилиб етиштиришга ўргатади.

Ташкилотчилик ишларини янада кучайтириш, коммунистларнинг шикоятлари ва шахсий делоларини ўз вақтида чуқур ва атрофлича кўриб чиқишга эришиш мақсадида биз райком ҳузурида штатсиз саноат, мактаб бўлимлари, шунингдек партиявий ташкилий ишлар бўйича ҳамда коммунистларнинг шахсий делоларини кўриш бўйича комиссиялар тузишни лозим топдик. Бу бўлим ва комиссиялар составига асосан райком аъзолари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва партиявий ишни олиб бориш малакасига эга бўлган бошқа активлар киритилаётир. Бу бўлим ва комиссияларнинг тузилиши райком ишини ҳам, бошланғич партия ташкилотлари ишини ҳам янада жонлантиришга, масалаларни кўпчилик фикри асосида тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.

Кези келганда шуни айтиш керакки, район партия комитетининг 166 аъзоси ва аъзоликка кандидатидан аксарият кўпчилиги ўз бурчини сидқидилдан бажармоқда, райком топшириқларини ўз вақтида кўнгилдагидек адо этмоқда. Мана, биргина мисол. Райком аъзоси ўртоқ Дидович ўтган йили икки муҳим масалани райком бюроси муҳокамасига тайёрлади. У, 27-автобазада жамоат тартибларини бузувчиларга ва жиноятга қарши курашда жамоатчилик ролини ошириш юзасидан талай ишлар қилди. Район партия комитетининг 1961 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ва партия ишида жамоатчилик асосларини кучайтириш масаласини муҳокама қилган пленумини райком аъзоларидан 45 киши тайёрлади.

Бу тартибда иш кўриш партия ишида чинакам ленинча демократияни мустаҳкамлаш, ҳар бир воқеа ва ҳодисага объектив баҳо бериш имкониятини яратаётир.

Маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини назорат қилувчи партия контроль комиссиялари корхона ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятини яхшилашга катта ёрдам кўрсатаётир. Бундай комиссиялар сони районда 110 га етди, уларда 436 коммунист жамоатчилик асосида ишламоқда. Кўпгина партия контроль комиссиялари маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилиш билангина чекланиб қолмай, давлат плани ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришни таъминлайдиган резервларни ишга солиш учун ҳам актив қурашмоқдалар. Ремонт-экскаватор заводи, подшипник заводи, Тошкент универмаги партия ташкилотлари ҳузуридаги комиссиялар худди ана шундай қилмоқдалар.

Партия контроль комиссиялари жойларда партия ички демократиясини ривожлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, кадрларни хўжаликни юритишга ўргатиш мактабига айланиб қолди. Афсуски районимиздаги абразив заводи, овсет фабрикаси, «Средазгипроводхлопок» институти партия бюролари буни ҳали тушуниб етганлари йўқ. Акс ҳолда улар партия контроль комиссиялари ишини ўзибўларчиликка ташлаб қўймаган бўлур эдилар. Бу ташкилотларда номигагина комиссиялар тузилган.

Партия ишида жамоатчилик асосларини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифа — раҳбар партия органлари ишига активларни кўпроқ ва фаол қатнаштиришнинг янги формаларини қидириб топишдангина иборат эмас, балки энг муҳими партияликлар оммасининг активлиги ва ташаббускорлигини оширадиган, партия сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган ишга уларни имкони борича кўпроқ жалб этадиган янги-янги формалар топиш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Бу соҳада биз яна кўп иш қилишимиз керак. Резервларимиз, имкониятларимиз беҳисоб, ғап улардан моҳирлик билан фойдаланишда. Масалан, пенсионерларни олайлик. Улар орасида яхши ҳаёт мактабини ўтган, ёш коммунистларни тарбиялаш, бошланғич партия ташкилотлари ишини яхши йўлга қўйишда бизга ёрдам бериши мумкин бўлган кишилар оз эмас. Районимизда жами 900 пенсионер коммунист бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам уйида ястаниб ётадиган кишилар эмас. Уларнинг ёрдамида биз кўп ишлар қилишимиз мумкин. Бундай имконият деярлик ҳамма районда бор.

Партия ишида жамоатчилик асосларини зўр бериб ривожлантира бориш манфаатлари райком ва бошланғич партия ташкилотлари ходимларидан зийраклик ва уюшқоқлик билан иш кўришни, штатсиз ходимларга ғамхўр ва меҳрибон бўлишни, уларнинг роли ва обрўсини ошириш учун ҳамма чора ва тадбирларни кўришни талаб этади. Шундай қилинмаса бошланган яхши ишга катта путур етади. Бизнинг райком аъзолари ана шу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада ҳали камчиликларимиз ҳам оз эмас. Лекин энг муҳими яхши иш бошладик, у кун сайин самарали натижа бераётир. Мавжуд камчиликларга қанчалик тез барҳам берсак, районимиз партия ташкилоти ўз олдидаги вазифаларни шунчалик тез ва муваффақиятли бажаради. Биз шу мақсадни кўзлаб ишлаймиз.

Тажрибаларимизни ўртоқлашайлик

Л. С. БУНИН,

Район партия комитети штатсиз бўлимининг инструктори.

<>

Район партия комитети ҳузурида штатсиз халқ маорифи бўлими ташкил этилди. Мен ҳам шу бўлим аъзоларидан бириман. Биз ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида снёсий-тарбиявий ишларни яхшилашда бир мунча ишлар қилдик. Бўлим инструкторларининг ташаббуси билан кўпгина муҳим ва актуал масалалар райкомнинг бюро мажлисларида, халқ маорифи бўлими ходимларининг кенгашларида муҳокама этилиб, зарур тадбирлар белгиланмоқда.

1961—62 ўқув йили бошланмасдан олдин район партия комитети мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги масаласини бюро мажлисида муҳокама қилишни зарур деб топди. Штатсиз инструкторлар бу ишда фаол қатнашдилар. Улар жойларда бўлдилар, ўқитувчилар коллективлари билан гаплашдилар, ўқувчиларнинг мактабга тортилиши билан қизиқдилар. Мактабларнинг ремонти кўздан кечирилди, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъмин этилиши ҳисобга олиб чиқилди.

Текширишда айрим мактабларнинг янги ўқув йилига тўла тайёр эмаслиги аниқланди. Инструкторлар камчиликларни йўқотишда ўқитувчилар коллективига яқиндан ёрдам бердилар. Ремонт ишларини тезлатишда мактабларни оталикка олган корхоналар раҳбарларининг ёрдами кучайтирилди. Кечки ишчи-ёшлар мактабларига ўқувчилар қабул қилишни тубдан яхшилашга катта аҳамият берилди. Райкомнинг бюро мажлиси бизларнинг бу ишимизни қувватлаб, янги ўқув йилини бекамми-кўст кутиб олиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаган қарор қабул қилди.

Район партия комитети штатсиз инструкторларнинг ишчанлигини ва обрўйини оширишда, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга катта аҳамият бераётир. Шунинг учун ҳам штатсиз инструкторлар куч ва гайратларини аямай ишламоқдалар. Бизлар ариза ва шикоятларни текширишда райком ходимларига яқиндан ёрдам бераётирмиз. Масалан, бир аёл ўз қизи Нинанинг пионерга ўтишини тақиқлаган. бунинг ўрнига кўпроқ черковга бориб туришга даъват этган. Мен унинг онаси ва ўқитувчилари, мактаб пионер ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари билан гаплашиб, бунга йўл қўймаслик кераклигини тушинтирдим. Пионерлар ва ўқитувчилар қизнинг онласида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Кўп ўтмай Нинанинг онаси ҳам айбига иқрор бўлди.

Шикоятларнинг бирида 47-болалар боғчасида овқатнинг сифати ёмонлиги айтилган эди. Текширишда фактлар тасдиқланди. Район партия комитети болалар боғчасини ўз вақтида озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш юзасидан тегишли чора кўрди.

Штатсиз инструкторлар қилган ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин шу билан бирга бу соҳадаги камчиликларни ҳам айтиш ўринлидир. Ҳали райкомнинг айрим штатсиз инструктори ўз ишларини планли равишда йўлга қўйишмаган. Менимча ҳар бир инструктор ўз иш планига эга бўлиши керак. Шундай қилинса партия ходими ўзига ва бошқаларга нисбатан янада талабчан бўлади. Район партия комитети штатсиз инструкторларнинг иш тажрибаларини оммалаштириб, уларнинг семинарларини тез-тез ўтказиб туриши керак.

БУЛАР ФЕВРАЛЬ ОЙИДА БЎЛАДИ

Киров район партия комитети жамоатчилик йўли билан февраль ойида кўпгина тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Мисоллар келтирамиз.

1. Маданият уйи маҳаллаларда XXII съезд материалларини пропаганда қилишни қандай уюштирган? Бу масала атрофлича муҳокама қилиниб, тажриба алмашинади.

2. «Кишига-кишига дўст, ўртоқ, биродар». Хотин-қизлар активи семинарида йиғилиш қатнашчилари ана шу темада доклад тинглашади.

3. Пенсионер ўқитувчиларнинг учрашув кечаси ўтказилади. Кечада пенсионер ўқитувчилар ёш педагогларга ўзларининг тажрибалари ҳақида ҳикоя қиладилар.

4. Райондаги 2-Янгийўл, «Минг ўрик» маҳаллаларида ҳамда 2-уй бошқармасида хотин-қизлар иши қандай ташкил этилганлиги атрофлича ўрганилади ва тажриба оммалаштирилади.

5. Кўп тиражли деворий газета редакторларининг йиғилиши ўтказилади. Бунда газетага штатсиз ходимларни тортиш масаласига алоҳида эътибор берилади.

6. Мактабларда ўқув-тарбия ишлари қандай йўлга қўйилганлиги масаласи ўрганилади. Бу иш штатсиз мактаб бўлимининг барча аъзолари, район халқ маорифи бўлими инструкторлари ҳамда штатсиз методистларининг иштирокида бажарилади.

ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИНИ МАВСУМГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙАЙЛИК!

☆ ☆ ☆

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ —МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Бу районда механизацияга қандай қаралар эди? Пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳақидаги шиор ўртага ташланганига анча йил бўлди. Жуда кўп хўжаликлар, районлар унга амал қилиб, механизациядан кенг фойдаланиш йўлига ўтдилар. Бу, мўл ҳосил етиштириш ва пахтанинг таннархини арзонлаштириш имкониятини бермоқда. Бироқ ҳозирги Комсомол райони территориясидаги кўп хўжаликлар оғизда механизацияга тарафдор бўлсалар ҳам, амалда қўл меҳнатига зўр бериб келдилар.

Ўтган йили бундай хатолар кам такрорланган бўлса ҳам, барибир механизацияга яхши эътибор берилмади. 13320 ўрнига 7680 тонна пахта машинада терилиб, берилган план фақат 57,6 процент бажарилди. Тўғри, «Социализм», «Гулистон» совхозларида бошқа хўжаликлардагига нисбатан машинада анча кўп пахта терилди. Бироқ Ленин номли, Фрунзе номли Крупская номли, Хрущев номли, Калинин номли, Карл Маркс номли колхозлар бу муҳим ишга яхши эътибор бермадилар.

Келгусида шундай хатоларга йўл қўймаслик район ва колхозсовхоз раҳбарларининг, механизаторларнинг ғоят муҳим вазифасидир.

Яқинда бўлиб ўтган район механизаторларининг йиғилишида илғор механик-ҳайдовчилар, трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари ва мутахассислардан 14 киши сўзга чиқиб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашди. Улар пахтачиликни комплекс механизациялаш ва ҳосилдорликни ошириш хусусидаги ўз режаларини гапириб бердилар.

«Красная заря» колхозининг механик-ҳайдовчиси, йирик трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Алман Алимқулов комплекс-механизациялашган бригаданинг афзалликлари ҳақида гапирди. Унинг фикрича, механизация — ҳосилни эрта пишириш, тез йиғиб олиш ва кузги шудгорлашни асосан октябрь-ноябрь ойларида тамомлаш имкониятини беради. Бу тадбир келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштиришни таъминлайди. Чунки шудгорлаш эрта ўтказилганда ер юмшоқ, иссиқ бўлиб, тупроқ яхши майдаланади, кесак кўчмайди. Тупроқ остида қолган хас-чўплар кўкламгача яхши чириб, ўғитга айланади. Ерда нам узоқ сақланади. Шудгор қилинган ер қор-ёмғир сувини ҳам ўзига яхши сингдиради. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари қирилиб кетади.

— Районни бир-икки илғор бригада ёки илғор колхоз ҳисобига кўтариб бўлмайди, — деди ўртоқ Алимқулов. — Ҳамма кам ҳосилли бригадаларни ўртача даражага, ўрта бригадаларни эса илғорлар қаторига етказиш керак. Шундай ишлайликки, Тошкентда ўтказилган зонал кенгашда ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, ҳеч қайси хўжалик 25 центнердан кам пахта бермайдиган бўлсин. Ана шу ишга муносиб ҳисса қўшиш учун биз чигит экиш схемасини ҳам ўзгартирдик. Бу йил ҳамма ериимизга 60х45 усулида чигит экамиз. Бу, кўчатлар сонини нормаль сақлаб қолиш имконини беради.

Калинин номли колхознинг механизатори ўртоқ Раим Сангиловнинг сўзи кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилди. Ўртоқ Сангилов оиласида 5 ишловчи бор. Ўтган йили улар бошқа-бошқа бригадаларда ишлашган. Бу йил колхоз правлениесидан илтижо қилдик, — дейилади механизаторлар қабул қилган мурожаатда, — бутун йил давомида сидқидиллик билан ишлаб, ҳар гектар ерда камида 90 минг тупдан кўчат сақлаб қоламиз. Район бўйича 30 минг тонна пахта етиштириб, шунинг 15 минг тоннасини машинада терамиз. 28 минг тонна пахтани қоп-қанорсиз ташиймиз. Бу ваъдамизнинг устидан чиқиш учун 16 минг гектар ерга квадрат-уялаб чигит экамиз. Бу — район механизаторларининг комплекс механизациялаш соҳасидаги биринчи дадил қадами бўлади.

С. СУЛТОНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«Узбексельмаш» заводи коллективи ишлаб чиқараётган машиналарнинг жуда кўп хили чет эл мамлакатларида ҳам машҳур бўлиб қолди. Жумладан корхона Ироққа жўнатиш учун икки қаторлаб экадиган сеялкалар тайёрлади. Суратда: сеялкаларни яшикларга жойлаштириш пайти.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКА ЯХШИ САҚЛАНСИН

Колхознинг марказий участкасидаги гараждамиз. Бу ерда тартиб йўқлигини, машиналар ва уларнинг қисмлари ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётганини кўрган киши ҳайрон қолади.

Ташқарида «СХМ — 48» пахта териш машинаси қолиб кетибди. Гараж ичидаги прицеплар ўтган йили қандай ишлатилган бўлса шу ҳолда келтириб қўйилган. «ДТ-54» трактори ҳам лойлигича тозаланмасдан, мойланмасдан турибди. «Коммунизм» колхозида техникага ана шундай муносабатда бўлиняпти.

Колхоз раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, улар техникани мақтаб кўкларга кўтарадилар. Лекин у ердаги аҳвол раҳбарларнинг сўзи бошқа-ю, иши бошқа эканлигини кўрсатиб турибди. Ғаниматга кунлар ўтиб бораётганлигига қарамай, ремонт ишлари суст, сифати паст ҳолда ўтказилаётир.

«Ленинград» колхозида ҳам техникани сақлашга яхши эътибор берилмаяпти. Колхоз устахонасида силос йиғувчи, иккита пахта терувчи, бешта кўсак чувийдиган ва битта чеканка қиладиган машиналар очиқ ҳавода занг босиб ётибди.

Оржоникидзе районидаги бу колхозлардагина эмас, балки «XXII партсъезд», Свердлов номли колхозлар ва «XXI партсъезд» совхозида ҳам техникани сақлашда ана шундай камчиликларга йўл қўйиляпти.

Райондаги «Қизил Ўзбекистон», Хрущев номли колхозларда бўлган киши трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари усти ёпиқ жойларда кўз қорачиғидай сақланаётганлигини кўриб хурсанд бўлади. Юқорида танқид қилинган колхозларнинг раҳбарлари, улардан ўрнак олиб, техникани сақлашда тартиб ўрнатишлари керак.

Т. РУЗИМАТОВ.

Кўкламга шайланмоқдалар

Шу кунларда 3-«Боёвут» совхозига бир келинг! Киши қалбини шодлантирувчи воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Совхознинг механизаторлари ҳам, пахтакорлари ҳам кўкламни шайланиб кутиб олиш учун зўр тараддуд кўрмоқдалар.

Совхоз раҳбарлари механизатор кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Яқинда 6-бўлимда механик-ҳайдовчиларнинг 4 ойлик курси очилган эди. Ҳозир бу курсда 50 киши таълим олмоқда. Механизаторлар курсда ўтказилаётган машғулотлардан ғоят мамнун бўлмоқдалар.

Совхознинг далаларига чиқсангиз маҳаллий ўғит ташиётган, ариқ-зовурларни тозалаётган ишчиларни кўриб, беҳад қувонасиз. 6-бўлим пахтакорлари бу йил 30 центнер учун кураш бошладилар. Улар ана шу курашда ғолиб чиқиш учун мўл ҳосилга пухта замин тайёрламоқдалар. Бўлимда ернинг шўрини ювиш, яхоб суви бериш ишлари муваффақиятли тугалланди.

Ж. ҚИРҒИЗБОЕВ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗРИН

Бу колхозда сабзавот, картошка ҳосили йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан 15 тоннадан сабзавот, 9 тоннадан картошка, 25 тоннадан қовун-тарвуз олган колхозчилар бу йил янги марраларга интилмоқдалар.

Шу кунларда колхоз далаларида, парникларда иш қизғин.

Мана, колхознинг ўртоқ Ҳасан Азимов бошчилик қилаётган бригадаси. Бригада аъзолари ер ҳайдашни ғоят сифатли ўтказдилар. Тўла гектар учун курашилиб уводтар, ортиқча ариқлар ҳам текисланиб ерга ер қўшилди.

Шунингдек ўртоқ Муҳсин Йўлдошев, Шамси Тошпўлатов бошлиқ бригадалар ҳам етти йилликнинг тўртинчи йилида экинлардан юқори ҳосил олиш учун кўкламги тайёргарликни кун сайин кучайтирмоқдалар.

— Эртаги сабзавот экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун етарли миқдорда уруғ жамғариш ва парникларда кўчат етиштириш керак,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Юнусова,— буни яхши тушунган колхозчиларимиз парник ишини қизитиб юбордилар.

Парник хўжалигидамиз. Ҳақиқатан ҳам иш авжида. Сепиб қўйилган помидор ва карам уруғлари ниш урибди.

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз сабзавотчилари кўкламга ана шундай тайёргарлик кўрмоқдалар.

М. МИРЗААҲМЕДОВ.

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Кичкинтойлар учун

Йўлингиз тушиб пойтахтдаги «Газоаппарат» заводи томонга борсангиз корхонадан сал нарироқда қад кўтарган янги ясли биносига ҳам бир қараб ўтинг. Бу ерда Куйбишев райони меҳнаткашларининг 50 дан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда. Бинонинг хона ва заллари ёруғ ва бежирим.

Ясли биноси қайси ташкилот томонидан қурилганлигини билмоқчи бўлсангиз шу атрофда истиқомат қилувчи истаган кишига учрашишингиз мумкин. Ким билан суҳбатлашманг, гапни Тошкент Давлат политехника институти студентларидан бошлашади, студент Игорь Зубко бошлиқ қурувчилар бригадаси аъзоларининг номларини фахр билан тилга олишади. Бу бечиз эмас, албатта. Ахир бу бино шу азаматлар кучи билан бепул қуриб берилган эди-да!

Мазкур бригада аъзолари қурилиш факультетининг 1, 3-курсларида ўқишади. Ҳозир бригадада ўз касбини пухта эгаллаб олган ва 2—3 йиллик тажрибага эга бўлган 20 йигит-қиз ишлаяпти.

Меҳнатсевар студентларнинг олий ҳиммати район меҳнаткашларини беҳад хурсанд қилди. Район партия ва комсомол комитетлари ташаббускор бригада аъзоларини қизғин табриклаб, уларга миннатдорчилик билдирдилар.

Ҳа, студентларнинг ташаббуси чиндан ҳам ибратли иш бўлди. Улардаги шижоат, коммунистик онглилик бундай олижаноб ишга қўл уришга ундади.

Бундай яхши ташаббусни Тошкентдаги кондитер фабрикасининг ишчилари ҳам бошлаб бердилар. Уларнинг ёрдами билан қурилаётган 75 ўринли болалар боғчаси яқинда кичкинтойларни ўз бағрига олади. Киров районининг Виктор Малясов кўчасида қад кўтараётган бу муассаса қурилишини жамоатчилик ўз зиммасига олган. Қурилишга корхона комсомолларининг ҳам, шу кўчада яшовчи ота-оналарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам озми-кўпми меҳнати сингди.

Пойтахтдаги биринчи Кисловодский маҳалласининг жамоатчилиги ҳам ҳиммат қилди. Маҳалла комитети жойлашган бино болалар боғчасига бўшатиб берилди. Комитет учун янги қурилган бино эса ҳашар йўли билан битказилди.

Киров майдони ёнидаги икки қавватли бино пештоқида яқинда «Болалар боғчаси» деб ёзилган вивеска пайдо бўлди. Киров район партия комитети учун ажратилган мазкур бинонинг болалар муассасига айлантирилганлиги, айниқса, шу атрофда яшовчи болали аёлларни қувонтирди.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

Культиваторни такомиллаштириш керак

Конструкторларимиз пахтакорлар учун кўплаб янги машина ва механизмлар яратмоқдалар. Уларнинг ақл-идроки ва меҳнати билан яратилган бундай қишлоқ хўжалик машиналари ишимизни беқиёс енгиллаштираётир, экинлардан мўл ҳосил олишимизга, маҳсулот таннархини камайтиришга ёрдам бермоқда. Биз бундан миннатдормиз. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, айрим қишлоқ хўжалик машиналарининг сифати талабга жавоб бермайди.

Масалан, культиваторни олиб кўрайлик. Ўтказилган тажриба ва ҳисоблашларга қарагандa ҳамма органлари энг аъло даражада ўрнатилган ва созланган культиватор ҳам ғўзага ишлов беришда ҳосилнинг мазмун миқдорига шикаст етказади. Бунинг сабаблари шундаки, культиватор конструкцияси пухта ишланмаган. Ер рамаларининг икки томони сифатсизлигидан эгилиб қолади, кўпинча синиб ҳам кетади. Фтулкалари ҳам камқувват, культиватор ишчи органларини мустаҳкам тутиб туролмайди, силжиб кетади. Натижада ишчи органлари у ёқ бу ёққа қимиллаб, кўчатларга шикаст етказади. Автомат черяк шестернялари ҳам жуда сифатсиз ишланган. Бу шестерняларнинг бурилиш жойларида ишчи органларини кўтаролмай қолади. У тез-тез ишдан чиқиб туради. Шу туфайли ғўзага ишлов берилаётган вақтда айрим ғўза туплари нобуд бўлади. Уларни қайтадан созлаш учун эса анча вақт кетади.

Культиваторларнинг бундаб бошқа камчиликлари бор. Уларни тезроқ бартараф қилиш лозим. Бу биринчи навбатда конструкторларимизга боғлиқ. Пахта бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи юқорида айтилган мулоҳазалар ҳақида ўйлаб кўришади деган умиддамиз. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш манфаатлари шуни тақозо қилади.

И. БОЙБЕКОВ,

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз устахонасининг мудири.

Ваъдабозлик билан цех қуриб бўлмайди-ку

Тошкентдаги 3-мебель фабрикасида юмолоқ столлар ишлаб чиқарадиган янги цех қурила бошланганига беш йил бўлди. Шу ўтган даврда цех биносининг биринчи ва иккинчи қаватларигина қурилди. Чунки қурилиш зарур материаллар етишмаслиги натижасида таққа тўхтаб қолди.

Ҳозир бу ерга келган киши хунук бир манзарани кўради: бинокорлар тарқалиб кетишган, қурилиш механизмлари ва асбоблари бетартиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қанчаданқанча маблағ сарфлаб келтирилган кўтарма кран савлат тўкиб бекор турибди. Битмай қолган цех биноси қор ва ёмғирлар остида қолиб, астасекин нурай бошлади.

Бинокорлар 88,5 минг дона пишиқ ғишт, 35 тонна цемент, 25 тонна арматура ва бошқа хил қурилиш материаллари сўраб Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши енгил саноат бошқармасининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи ўртоқ В. И. Баканинга бир неча бор мурожаат қилдилар. Ўртоқ Баканин фабрикага келиб, бинокорлик материаллари етказиб бериш ҳақида ваъдалар берди. Афсуски, бу ваъда фабрика дарвозасидан чиққач, унутилди.

Қурилишнинг бош прораби ўртоқ С. Сирот кўпдан буён фабрика билан Совнархозга бўзчининг мокисидай қатнайди-ю, бироқ ҳар гал қуруқ ваъда олиб қайтади.

Фабрика коллективи янги цехни тезроқ ишга тушириш ҳамда дастлабки маҳсулоти билан аҳолини хурсанд қилиш ниятида. Шунинг учун коллектив цех биноси қурилишининг бунчалик чўзилиб кетаётганлигидан ғоят ташвишланмоқда.

С. РАҲИМОВ,
Ш. РАҲИМОВ,
Т. НАЖМИИ.

фабрика ишчилари.

Яхоб бериш қизғин бормоқда

Коммунист ўртоқ Фармон Бозоров бошлиқ бўлган бригада аъзолари ўтган йили пландаги 18 ўрнига 23 центнердан пахта ҳосили етиштириб Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозининг 2-бўлимида энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бригада 2 йил ичида ҳосилдорликни 10,5 центнерга ошириб. Пахтакорлар ана шу муваффақиятларни яна ҳам мустаҳкамлаш учун бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғладилар. Эрта баҳорда бригаданинг 120 гектар ерига чигит экилади.

Квадратларнинг аниқ чиқиши кўп жиҳатдан карталарнинг йирик ва текис бўлишига боғлиқ. Ана шуни назарда тутиб, бригададаги майда карталар яхлитлаштирилди. Бульдозерчи А. Оқбўтаев, грейдерчи Шиндаев ўртоқларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли 40 гектар ер иккита картага бўлинди. Карталарни яхлитлаштириш ҳисобига 2 гектар ер қўшилди.

Бригадада яхоб суви бериш ишлари ҳам тугалланиш арафасида турибди. Сувчилардан А. Эргашев, А. Биймирзаев ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатиб ишлашаяпти.

А. БОЙМАТОВ.

ПАРРАНДАЧИЛИК—ГЎШТНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ КАТТА РЕЗЕРВИ

Областимизнинг географик картасига назар ташласак, кенг далаларни кесиб ўтган дарё ва каналларни, боғ-роғлар ва адрларнинг бағридаги катта ва кичик қўллар, ҳовузларни кўрамиз. Областимизда табиий ёки сунъий кўл-ҳовузларга эга бўлмаган деярли битта ҳам хўжалик бўлмаса керак. **Бекобод районида 1200 гектар майдонни эгаллаган Янгийкўл, Ғайбат кўл, Катта ва кичик Қолгансир кўллари йилига 1 миллион бош паррандани боқиш ва 2 миллион килограммдан ортиқ ўрдак ва ғоз гўшти етиштириш имкониятини беради.**

Янгиер районидаги Султонҳовуз ёки Тошкентнинг биқинида барпо этилаётган Туябўғиз сув омборини айтмайсизми?! Деярли бутун йил бўйи музламайдиган бу сув бойликлари, бизда узоқ давом этадиган илиқ ҳаво область колхоз ва совхозларига паррандачиликни кенг ривожлантириш учун битмас-туганмас имкониятларни яратиб беради.

Колхоз ва совхозларимизнинг кенг баҳорикор ерларида экилаётган бугдой ва арпа экинлари, тез ривожланаётган маккажўхори ва оқжўхорикорлик ҳам паррандачиликни ривожлантиришнинг катта резервларидан биридир. Бу экинлар ўриб олингандан сўнг ерга гўкилиб қолган доннинг ўзи мингларча товуқ ва кукаларни боқиш имкониятини беради. Шаҳар атрофидаги хўжаликларда сабзавотдан тўпланиши мумкин бўлган чиқиндилар ҳам паррандаларга яхши озуқа бўла олади.

Бу имкониятлардан тўғри фойдаланаётган айрим хўжаликлар кейинги йиллар ичида анчагина туруст натижаларга эришдилар.

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозга 1956 йили мусобақадош Москва областидаги Ленин номли колхознинг раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Генералов келиб, сабзавот чиқиндилари базасида ўрдакчиликни ташкил этиш ҳақида маслаҳат берган эди. **Колхоз аъзолари бу маслаҳатни самимий қабул қилдилар. Шу йили 50 бош ўрдак сотиб олинди. Эндиликда колхознинг паррандачилик фермаси бошқа хўжаликларга ҳам намуна бўлаолади.**

Сирдарё районидаги «Малик» тажриба хўжалиги ҳам ўтган йил паррандаларни кўпайтириш планини 184 процент бажарди. Қуйи Чирчиқ районининг хўжаликлари йиллик планни 125 процентдан оширдилар. Бўка районида ҳам кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Юқори Чирчиқ районида эса паррандалар сони 60 мингга етди. Гулистон районининг колхоз ва совхозларида 3,5 миллион, Юқори Чирчиқ районида 2,3 миллион дона товуқ тухуми етиштирилди. «Малик» тажриба хўжалигининг бир ўзи ярим миллион донадан ортиқ тухум олди.

Паррандачиликда ҳам механизациядан кенг фойдаланиш, амалда синаб кўрилган ва ўзини оқлаган илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш катта фойда беради. 2-«Оҳангарон» совхози, «Малик» тажриба хўжалиги ва Мирзачўл паррандачилик совхозида паррандалар кенг ва ёруғ биноларда, симтўр билан ўралган майдонларда боқилаяпти. Бу хўжаликларда деярли ҳамма иш (озуқа ва сув бериш, тухумларни йиғиб олиш, хоналарни тозалаш) механизациялаштирилган. Зарур бўлганда бу фермаларда электр чироқлари ёрдамида кунниг ёруглиги сунъий равишда узайтириб турилади. **Жумладан, «Малик» тажриба хўжалигида товуқлар учун ёруғлик 17—18 соатга узайтирилганда улардан 30-35 процент кўп тухум олишга эришилган.**

Шуни айтиш керакки, илғор хўжаликларда 5 минг ва ҳатто ундан кўпроқ паррандани боқиш учун фақат бир киши хизмат қилади, чунки бу хўжаликларда асосий ишлар ҳали айтганимиздай механизациялаштирилган. Натижада паррандa ғўштининг ва тухумнинг таннархи арзон тушади. **Чунончи 1960 йилда Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозда ўрдак ғўштининг бир килограмми 25—27 тийинга, 2-«Оҳангарон» совхози ва «Малик» тажриба хўжалигида бир дона тухумнинг таннархи 3 тийинга тушган.**

Афсуски, кўпчилик хўжаликларда паррандачилик фермалари жуда ҳам тор биноларга жойлаштирилган. Шунинг учун улар рентабель эмаслар. Бундай фермаларда комплекс механизацияни жорий қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу хўжаликларда паррандачи кўп деганда 400 бош паррандани боқаолади. Майда фермаларда ўнлаб ишчи кучи сақлаб туришга тўғри келади. Маҳсулот ҳам кўпаймайди. Ўтган йил ичида областимиз колхоз ва совхозлари тухум қиладиган ҳар бир товуқдан ўрта ҳисобда атиги 75 донадан тухум олдилар. Пискент районида эса 54 донаданга, Янгиер районида 48 донаданга тўғри келди. **Ваҳоланки, Гулистон райони бўйича ҳар бир товуқдан 119, «Малик» тажриба хўжалигида 100 донадан тухум олинди. Мирзачўл паррандачилик совхозининг товуқбоқари В. Тазова эса ҳар бир товуқдан 150 тадан тухум олди.**

Областимизнинг бир қатор хўжаликлари, жумладан, Гулистон ва Бекобод паррандачилик фабрикаларида гўшт етиштиришнинг яна бир резерви ҳисобланган бройлер-жўжаларни кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, жўжа 90 кундан кейин тирик вазнда 1200—1400 граммга етади. Жўжаларни гўшт учун бутун йил давомида боқса бўлади. Демак областимиз совхоз ва колхозлари ўзларида бўлган бино ва батареялик катакларда йилнинг 12 ойи давомида тўрт марта жўжа партияларини боқиб, гўштга топшириш лари мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, боқилган жўжаларнинг сони қанча кўп бўлса, унга сарфланадиган харажат шунча кам бўлади.

Паррандa гўштини кўпайтириш резервлари ҳақида гап борар экан, куркалар тўғрисида ҳам сўзлаб ўтиш керак. Куркаларни яйловлардан, чорвачилик, сабзавотчилик чиқиндиларидан жуда кенг фойдаланиб боқиш мумкин. Бундан ташқари улар дагал ҳамда ширали хашакларни яхши ҳазм қилади ва арзон, мазали гўшт беради. Афсуски, областимизда ҳозиргача бунга етарли эътибор берилаётгани йўқ. Энди бу соҳага эътиборни кучайтириш вақти келди. Агар областимиз хўжаликлари курка боқишга киришсалар, гўшт етиштиришни кўпайтиришда яна бир муваффақиятни қўлга киритган бўладилар.

Энди озуқа масаласига тўхтаймиз. Кўпчилик хўжаликларнинг озуқа рационида оқсил, витамин ва минерал моддалар жуда кам. Тошкент шаҳридаги комбикорм фабрикалари барча паррандачилик фермаларининг комбинирлаштирилган озуқага бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмайди, албатта. Шунинг учун бундай озуқаларни жойларда хўжаликларнинг ўзларида, ҳатто район миқёсида тайёрлашни уюштириш зарур. **Бу соҳада «Малик» тажриба хўжалиги, Мирзачўл паррандачилик совхозининг ибратли ишлари бошқаларга ўрнак бўлаолади. Бу хўжаликлар оқсил ва минерал модда, витаминлар билан бойитилган озуқаларни ўзларида ишлаб чиқаришни уюштирдилар.**

Областимизда паррандачиликни ривожлантириш учун зарур бўлган битмас-туганмас имкониятлардан фойдаланишга биринчи галда Оржоникидзе, Янгиер, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Пискент районларининг колхоз ва совхозлари катта эътибор беришлари лозим. Лекин бошқа районлар ҳам бу соҳада барча мавжуд резервларни ишга солишлари керак.

Фикримизча, областимизнинг донгдор жўхорикори Люба Ли ва илғор механизатори Валентин Тюпко бригадалари базасида тузилган жўхорикор ва механизаторлар мактаби каби «Малик» тажриба хўжалиги, Мирзачўл паррандачилик совхози ёки бошқа бир намунавий хўжаликда паррандачиларнинг илғор тажриба мактабини ташкил қилиш паррандачилик хўжалигини ривожлантириш ишига катта ёрдам берар эди.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлимининг ходими.

Г. АЛЬМУҲАМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Узгариш ясалди

Ўрта Чирчиқ районидаги Туябўғиз посёлкаси меҳнаткашларининг посёлкадаги клуб ва кутубхона ишидан шикоят қилиб редакцияга ёзган хатлари район ижроия комитетига юборилган эди.

Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва оқартув ишларини яхшилаш масаласи посёлка Совети ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилиниб, бир қатор амалий тадбирлар белгиланди, деб редакцияга жавоб қилди район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ И. Д. Нам. Клубда бадиий ҳаваскорлар, баяқчилар ва аккордиончилар тўгаракларини ташкил қилинган. Ҳозир клубда иккита биллиард, шашка, домино ва бошқалар мавжуд. 17 минг сўмлик китоб фондига эга бўлган кутубхона ишлаб турибди.

Жавобда айтилишича, посёлка аҳолисига кино кўрсатишни яхшилаш юзасидан ҳам чоралар кўрилган. Ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб келганликлари учун кино-механик Сагит Сайфуллин ва кассир Исмоил Иброҳимовлар вазифасидан бўшатилган. Клубда жамоат тартибини сақлаш ишига комсомол активларидан ташкил этилган кўнгилли халқ дружиначилари яқинда ёрдам кўрсатаётгирлар.

Тошкент янгиликлари

АПТЕКАДА АМПУЛА ЦЕХИ

Пойтахтдаги 4-аптекада Ўзбекистонда биринчи бўлиб ампула цехи ташкил этилди. Одатда ампуладаги дори-дармонлар фақат завод шароитидагина тайёрланар эди. Бу аптекалар учун анча мушкул иш. Лекин 4-аптеканинг хизматчилари бу қийинчиликни енгишди. Аптекада тегишли техника ва аппаратлар ўрнатиб, ампуладаги дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари бу ерда стандарт ва ярим фабрикат дори-дармонлар тайёрлаш кенг қўлланилмоқда. Дорихонанинг аҳил коллективи олдиндан тайёрлаб қўйилган дориларни ҳозир 78 процентга етказди. Натижада ишлаб чиқариш суръати ошиши билан бирга, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш ҳам ескин яхшиланди.

М. УСМОНОВ,
фармацевт.

УЗБЕК ТИЛИДА БИРИНЧИ МАРТА

Ўзбек тилида биринчи марта санкси йиллик мактабларнинг 5-синфи учун француз тили дарслиги нашр этилди. Бу китобни Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти француз тили кафедрасининг ўқитувчилари В. М. Деланси, Н. К. Мирҳайдарова, Л. Е. Маллина ўртоқлар таҳрир қилишган. Дарслик ихчам ва тушунарли қилиб чиқарилган.

Кафедранинг бир группа ўқитувчилари 6-синф ўқувчилари учун ҳам худди шундай дарслик тайёрлаш устида ишламоқдалар.

Ж. ИСРОИЛОВ,
ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.

500 ДАН ОРТИҚ КИШИ ЎҚИМОҚДА

Тошкент Давлат Медицина институтининг тайёрлов бўлимида машғулотлар бошланди. Дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилмоқда. Бўлимга медицина билим юртини тамомлаб, уч ва ундан ортиқ йил ишлаган ходимлар қабул қилинди. Улар орасида медицина соҳасида ўн йилдан ортиқ ишлаб, катта тажриба орттирган Н. А. Афишина, М. Горбунова, М. Жогова ва бошқалар бор. Бўлимга қабул қилинган 500 дан ортиқ кишига физика, кимё, чет тили ва рус тилидан яхши тажрибага эга бўлган педагоглар дарс бериш моқда.

А. КИМ.

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ

Шаҳардаги 2-нон заводи ҳузурида ишчилар учун малака ошириш курси ташкил қилинди. Курсга заводнинг юздан ортиқ кекса ишчи ва хизматчилари жалб қилинди. Курсантларга ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган темалардан ташқари партия XXII съезди материаллари юзасидан ҳам лекциялар ўқилади.

А. БОБОҚУЛОВ.

АЖОИБ КАШФИЁТЛАР

ГАЗДАН УҒИТ

Ватанимиз пойтахти Москвадаги Кимё машинасозлиги ва «Гипромез» проект институтлари ходимлари домна газлари составида қимматбаҳо кимёвий моддалар борлигини аниқладилар. Бекорга ҳавога учиб кетувчи домна газларидан қишлоқ хўжалиги учун кўплаб минерал ўғитлар олиш мумкин экан. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, битта домна печидан чиқаётган газлардан олинган минерал ўғит бутун бир областдаги барча қишлоқ хўжалик корхоналарини ўғит билан таъминлай олади.

Домна газларини ўғитга айлантирганда халқ хўжалигимиз катта фойда олади. Бу ўғитнинг сифати ҳам яхши бўлади.

СУНЪИЙ ҒАЗЛАМАЛАР

Полипропилен — Бутунитти-фоқ сунъий тола илмий-текшириш институтида яратилган янги толадир. Полипропилен нефтда учрайдиган пропилен газини қайта ишлашдан ҳосил бўлади. Полипропилендан чиройли, пишиқ газламалар тайёрланмоқда.

Шу институтда яна бир синтетик тола-винелон кашф этилди. У ип газлама толасига ўхшасада, пахтадан эмас, балки поливинил спиртидан олинади. Янги толадан газламалар, турли хил ўйинчоқлар, губкалар, кийимлар ва бошқа нарсалар тайёрланмоқда.

Сунъий толалар ичида лавсан номли тола алоҳида аҳамиятга эгадир. Лавсанга кислота, ишқор, қуёш нури, иссиқлик ва совуқлик таъсир қилмайди. У ёнмайди ҳамда эримайди. Лавсан толаси халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Ундан шойи газламалар, кимёвий фильтр, ёнғинга қарши ишлатилувчи кўлқоп ва кийимлар, канализация трубалари, қоракўл ёқалар, автопокришка ва бошқа нарсалар тайёрланмоқда. Лавсанни пахта ёки вискоза толалари билан аралаштириб тўқилганда жуда мустаҳкам газламалар ҳосил бўлади.

Қ. АҲМЕРОВ,

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 30 ЯНВАРЬ, 1962 ЙИЛ.

Олимларимиз керамзит хусуснятларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тажриба ўтказдилар. Натижада керамзитнинг йиғма-темир бетон конструкциясида қўлланиш мумкинлиги аниқланди. Унинг оғирлиги бетонга нисбатан 2—3 марта енгил бўлиб анча арзондир. Материални қурилиш саноатида, шунингдек кўприклар қурилишида қўлланишни ихтиро қилган олим ва мутахассисларнинг катта бир группаси Ленин мукофотига тақдим этилди. Улар орасида СССР қурилиш ва архитектура академиясининг корреспондент аъзоси, республикамизнинг таниқли олими Аббос Ашрапов ҳам бор. У керамзитни қурилиш саноатида қўлланиш бўйича 10 йилдан буён илмий тадқиқот олиб боради. Суратда: ўртоқ Аббос Ашрапов.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Бадиий фотография виставкасига қатнашинг

Биз фотографларни ҳамма жойда — колхоз даласида, завод цехларида, илмий-тадқиқот институтларининг лабораторияларида, рассом устахонасида, етти йилликнинг гигант қурилишларида учратамиз. Улар бадиий фото воситаси билан бугунги кунимизнинг меҳнатсеварларини етти йиллик қаҳрамонларини акс эттиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги республика журналистлар Союзи билан ҳамкорликда учинчи бадиий фотография виставкасини ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу виставка ҳам олдинги икки виставка каби «Етти йиллик амалда» шиори остида ўтади.

Февраль ойининг ўрталарида очиладиган виставкага ҳозир совет кишиларининг коммунизм қурилиши йўлидаги ижодий меҳнатни акс эттирувчи энг яхши бадиий фотография асарлари танлаб олинмоқда. Ташкилий комитетнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида профессионал фото мухбирлар ва фото ҳаваскорлардан тушган 200 дан ортиқ расм кўриб чиқилди. Виставканинг мазмундор ва темасининг рангба-ранг бўлиши унда кўп сонли фотоҳаваскорларнинг актив қатнашишига боғлиқ. Фото ҳаваскорларнинг саноат корхоналари ва муассасалар, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида ишловчи ижодкор кишиларнинг меҳнатини акс эттирувчи ижодий ишлари виставка экспозицияси учун энг яхши материал бўлади.

О. АПУХТИН.

ШАХМАТ

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Пойтахт биринчилиги учун бошланган шахмат мусобақасининг учинчи турида марказий учрашув мастерликка кандидатлар Хасидовский билан Перевозников партияси бўлди. Мураккаб давом этган курашдан сўнг рақиблар дурангга рози бўлишди. Мастерликка кандидатлар Набирахўжаев билан Элбеков, биринчи разрядлилар Власов билан Шомаҳмудов ва Базикин билан Қосимов учрашувларида ҳам ҳеч қайси томон устун чиқмади. Николаев—Исматов ўйинининг дастлабки бир неча юришларидан кейин тахтада кескин вазият вужудга келди. Бунга Николаевнинг сипоҳ қурбон қилганлиги сабаб бўлди. У кейинчалик яна бир сипоҳини қурбон берди ва ҳужумни кучайтирди. Икки сипоҳ ортиқ ҳолда Исматов ўйинни беҳафсала давом эттиришга тушди. Бундан усталик билан фойдаланган Николаев ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди. Шахматда доналар устунлигига эришган томон ҳадеб ўз устунлигига ёпишиб олмаслиги лозим. Бунинг аксича, керак вақтида ўз устунлигидан воз кечиши ёки олган доналарнинг барчасини қайтариб бериб, позицион устунликка эришишнинг пайида бўлмоғи керак. Исматов ҳам шундай қилганда натижада бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди. Олишнинг бериши ҳам бўлади-да!

Лазерев Горшковни, Юсупов Малиничевни, Зокиров Сумкинни, Курдин Шварцманни, Хожибеков Харламовни ютдилар.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Чирчиқ чемпионати

Чирчиқда шахмат бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бир ойдан ортиқ давом этди. Бу XVII чемпионатда энг кучли шахматчилардан 10 киши қатнашди. Кескин спорт курашлари натижасида 8-мактабнинг ўқитувчиси Греков — Буданов шаҳар чемпиони номини олди. Инженер Самойлов иккинчи ўринни, студент Абрамушкин учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг икки голиби ва ўтган йилги шаҳар чемпиони У. Ибодуллаев шу йил февраль ойи ўрталарида ўтказиладиган шахматчиларнинг область биринчилиги мусобақасида қатнашадилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ЙУҚОЛСИН ХУРОФОТ!

Бу галги суҳбат «Ҳақиқат» маҳалласининг Профсоюз кўчасидаги Қўзижон Азимовнинг уйида ўтказилди.

— Ўртоқлар, аввало меҳмон билан танишинглар, лекторимиз шу киши бўладилар, — деди район маданият уйининг мудири Фотима опа ёнидаги 30 ёшлар чамасидаги жувонга ишора қилар экан. — Ҳамза номидаги табиий-илмий билимлар тарқатувчи республика музейида илмий ходим бўлиб ишлар эканлар. Сизлар билан суҳбат ўтказиш учун келибдилар. Қани энди қизимизданэшитсак. Нима дейсизлар?

— Майли, эшитамиз...

Лектор Мукамбар Маҳмудхўжаева ислом динининг келиб чиқиши, унинг реакцион моҳияти ва инсон саломатлигига нақадар зарарли эканлигини тушунтира бошлади.

Лекторнинг сўзи кўпга чўзилмади. Лекин тингловчилар ундан чуқур таассурот олдилар. Лектор сўзини тугатиши билан рўза ҳақида ўзаро гап бошланиб, устма-уст савол ёғилди.

Мукамбар Маҳмудхўжаеванинг рўпарасида ўтирган онахоннинг гапи оғзида қолди. Сўзни Марҳамат опа Кенжаева илиб кетди.

— Қизим, хўп ажойиб гапларни айтдингиз. Сўзингизни эшитиб бир вақтлардаги воқеа эсимга тушиб кетди. Кунлардан бирида чолим вой-войлаб қолса бўладими. Менга бир бало бўлди деб ўзини қўярга жой топмайди. Қизиқ-да, соппа-сог одам «гуп» этиб йиқилса-я! Ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳайрият, кўшним чиқиб қолди. Врачни чақиртирдик. Врач роса уришиб берди. Рўзани қаттиқроқ ушланглар, деб кесатди. Чоли қурғур тонгдан шомгача туз татимай юрган эмасми, ичаклари шилвираб қолган экан. Беўлчов сув ичиб кетагидан ортиқча овқат еб юборибди. Кекса кишига овқатни ҳазм қилиш осонми. Шу-шу бўлди-ю, рўзанг қуриб кетсин деб иккимиз ҳам ундан юз ўгирдик.

Йиғилганларнинг кўпчилиги кексалар эди. Уларнинг айримлари бир вақтлар чиндан ҳам рўза тутганликлари, беҳуда қийналганликлари ҳақида ачиниб ҳикоя қилишди.

Шундай қилиб тўпланганлар лектор билан хайрлашдилар.

— Раҳмат қизим.

— Суҳбатни роса қизитдингиз.

— Тез-тез келиб туринг...

— Кейинги пайтларгача,—дейди Фотима опа, — лекция-суҳбатлар кўпинча Маданият уйи да ўтказилар эди. Натижада узоқ маҳаллаларда яшовчи кишиларнинг кўпчилиги бу ерга келишга анча қийналишар эди. Шуни ҳисобга олиб лекция-суҳбатларни ҳар бир маҳалланинг ўзида, хонадонларда ўтказишга қарор қилдик. Кейинги кунларда бир неча лекция-суҳбат уюштиришди. Уларнинг кўпчилиги СССР Олий Совети сайловларига бағишланди.

Ҳа, Фотима опанинг гапларида жон бор. Октябрь районидаги Охунбобоев, «Чорсу», «Хислат», «Катта боғ», «Тельман» ва «Ҳақиқат» маҳаллаларида меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар кейинги пайтларда бир мунча яхшиланди. Бунда пенсионер Марҳамат Кенжаева, Меҳри Усмонбекова, шунингдек Мунаввар Каримова, Дилбар Комилова, Ҳамида Бадодирова, Ҳамида Эгамбердиевалар билан бир қаторда Фотима опа Хўжаеванинг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлаётир.

Б. ЭРҚОРОВ.

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг маданият уйида мактаб ўқувчилари учун бадиий расмлар виставкаси ташкил қилинди. Бу ерда Третьяков галлереяси картиналаридан 50 дан ортиғининг репродукцияси қўйилган. Суратда: болалар тасвирий санъат асарлари билан танишмоқдалар.

О. Левак фотоси.

Чет элларда нима гап

АМЕРИКА ҲАЛҚЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

ГАВАНА, 28 январь. (ТАСС). Америка халқларининг Кубани қувватлашга, АҚШ милитаристлари томонидан Кубанинг озодлигига ва суверенитетига бўлаётган ҳамлаларга қарши курашга бағишланиб чақирилган конференцияси ўз ишини тамомлади. Латин Америкаси мамлакатларидаги кўзга кўринган жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблардан Мексиканинг собиқ президенти Ласаро Карденас бошчилигидаги бир группасининг ташаббуси билан Гаванада чақирилган бу конференцияда маъқулланган декларацияда, жумладан бундай дейилади:

Ҳеч бир ҳукумат ёки ташкилот ҳар қанча қудратли бўлса ҳам, бошқа давлатларнинг ички ишларига иқтисодий зўрлаш, дипломатик тазйиқ ўтказиш, қуролли бостириб кириш йўли билан ёки бошқа бирор йўл билан аралашишга ҳақли эмас. Шу сабабли, бу конференцияга тўпланган делегациялар Шимолий Америка империализми ва унинг шериклари томонидан Куба халқига қарши қилинаётган доимий агрессив ҳамлаларни, жумладан ёлланган сотқинларнинг Плайя-Хиронга қилган ҳужумларини қатъиян қоралайдилар.

Халқлар ўз тақдирларига ўзлари хўжайиндирлар, шу сабабли ҳеч ким уларни уқубатли қарамликка, социал адолатсизликка ва доимий очликка чидаб туришга мажбур қила олмайди, улар ўзларига тегишли бўлган табиий бойликлар асрлардан бери таланиб келганлиги ва ўз меҳнатлари эксплуатация қилиниб келганлиги натижасида бунинг азобини кўп торгдилар.

Шимолий Америка империализми Кубага қарши жиноятнорона фитна ва найранглар ишлатиб турган шароитда Америка халқларининг конференцияси шуни очиқ айтадики, Куба революцияси инсон ҳуқуқларини ҳурматламайди, деган даъво бутунлай ёлғон даъводир: Аксинча, Кубани айблаётган ҳукуматларнинг ўзлари бу ҳуқуқларни поймол қилмоқдалар ва гражданларни идеологик, сиёсий ҳамда бошқа важлар билан шафқатсиз таъқиб қилмоқдалар. Худди шунингдек, Куба бошқа халқларнинг эркинлигига қасд қилаётир ҳамда уларнинг ички турмушига аралашмоқчи деган даъво ҳам ёлғон даъводир.

Куба революцияси ҳеч кимга таҳдид қилаётгани йўқ. Бу революция халқ революцияси бўлиб, Америка қитъаси учун асло хавфли эмас, шу сабабли Куба ўз революциясини бошқа халқларга ўтказмоқчи деб Кубани айблаш бутунлай асоссиздир. Куба ўзини социалистик давлат деб эълон қилганлиги қонунга сиғмайдиган иш эмас ва бунга эътироз қилиш мумкин эмас. Ўз тақдирининг хўжайини бўлган ҳар бир халқ шундай қилишга мутлақо ҳақли. Бу—бошқа қитъанинг бирор формадаги интервенцияси эмас. Бу ажралмас суверен ҳуқуқнинг ифодасидиркі, буни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма аъзолари ҳурматлашлари лозим. Ҳақиқатда Вашингтон ҳукумати ўзининг қайта-қайта аралашуви билан, ўзининг базаларі ва ҳарбий пактлари билан қитъамиздаги осойишталикни бузмоқда ва тинчликка хавф солмоқда.

Америка халқларининг конференцияси Пунта-Дель-Эстедаги кенгашни рад қилади ва қоралайди, чунки бу кенгаш Америка Қўшма Штатларининг ва Латин Америкасидаги АҚШ малайларининг Кубага қарши янги агрессиясини ва келгусида Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларга қарши агрессия тайёрлашни ниқобловчи найрангидир. Куба қилмаган жиноятларни Кубага тўнкаб, уни айблаш йўлидаги ҳаракатларни Америка халқлари конференцияси ўзбошимчалик деб ҳисоблайди ва бу ўзбошимчаликни қоралайди. Конференция антикоммунистик тўдалар тузишни, шунингдек Шимолий Америкаларнинг империалистик сиёсатини қоралайди, чунки Кубага карши қилинаётган бундай чораларни оқлайдиган юридик асос йўқ. Аксинча, ҳуқуқнинг энг элементар нормаларига мувофиқ, Қўшма Штатларнинг ўзи агрессор сифатида энг қаттиқ жазога сазовордир.

Куба революциясининг ғалабаси биз тарихий тараққиётнинг янги палласида турганлигимизни тасдиқлайди, халқларнинг кескин равишда миллий озодликка эришуви билан бошланаётган бу тарихий ривожланишга бизнинг қитъамизда Шимолий Америка империализмини тугатмай туриб эришиш мумкин эмас. Америка халқларининг барча ватанпарвар кучлари зўр бериб ва дадил кураш олиб борганларидагина ва уларнинг ҳаракатлари бирлаштирилганидагина қудратли душман тор-мор келтирилади.

Куба билан бирдамлик ҳозир Латин Америкасидаги ҳамма халқларнинг зарур бурчидир. Латин Америкасидаги бironта эркак ва бironта аёл ўзининг бу муқаддас бурчини бажаришдан бош тортмаслигига амримиз.

Ўзининг шу бурчини бажарганларни, Кубадаги курашда ҳалок бўлганларни—Кубани ҳимоя қилмоқ учун бизларнинг мамлакатларимизда бош кўтариб чиққан ватанпарварларнинг ҳаммасини биз зўр хурсандчилик билан табриклаймиз.

Кубанинг тақдири — қуллик ва кашшоқлик кишанларини парчалаб ташлаш учун курашаётган 200 миллионлик Латин Америкаси халқларининг ҳам тақдиридир. Бизнинг халоскорларимиз ҳамма қийинчиликларга қарамай, кеча галаба қозондилар. Уларнинг кўрсатган ўрнагидан руҳланиб, биз ҳам ўзимизнинг тўла озодлигимиз учун курашаверамиз. «Кимки бугун Кубо билан биргаликда курашга қўзғалса, деган эди Марти, унинг шуҳрати абадий ўчмайди».

Учиш кечиктирилди

НЬЮ-ЙОРК, 28 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги ичига одам тушган Америка космик кемасини учириш кечиктирилганлиги тўғрисидаги расмий ахборотни эълон қилди.

«Одамни космоса учириш ҳаракати кечиктирилди,— дейилади ахборотда, — космик кемани учириш учун керакли шароитнинг техника ҳолатига қараб, космоса одамни учириш 1962 йил 2 февралдан кейин амалга оширилади».

Телеграф хабар қилади

◆ СССР Министрлар Совети чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков Деҳлида меҳмон бўлиб турибди. Г. А. Жуков Ҳиндистон бош министри Ж. Неру ҳузурига бориб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ҳозир бўлди.

◆ Гансу вилоятидаги (Хитой Халқ Республикаси) Нинься-Хуэй автоном округининг денгиз сатҳидан 1900 метр баландликда жойлашган қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари шолининг 20 дан кўпроқ навини ўстирмоқдалар. Баҳори бугдойнинг совуққа бардош берадиган ва серҳосил навларидан 16 таси шу район иқлимига мослаштирилди.

◆ Австралия Компартиясининг делегацияси Қўшма Штатларнинг Сиднейдаги бош консульхонасига бориб, Қўшма Штатлар Компартиясининг таъқиб қилинаётганлигига қарши норозиликни Америка бош консулига топширди. АҚШ Компартиясининг қонуний ҳуқуқларига қилинаётган ҳужум, дейилади норозиликда, демократик эркинликларга қилинаётган ҳужумдир. Австралия коммунистлари, Америка ҳукумати АҚШ Компартиясини таъқиб қилишдан воз кечишини талаб қиладилар.

◆ Ғарбий Германия ҳарбий-денгиз флоти ўзининг жанговар қувватини кўпайтиришни давом эттирмоқда. Ғарбий Германия ҳарбий-денгиз флоти учун қурилаётган энг янги конструкциядаги ўн иккита сув ости кемасидан иккитаси Килда сувга туширилди.

◆ Ғарбий Германия ҳўжалик министри Эрхард Англия ҳукуматининг вакиллари билан музокаралар олиб бормоқ учун Лондонга келди. У, Англия молия министри Сельвин Ллойд ва бош министр Макмиллан билан учрашади.

◆ Ғарбий Германияда бундесвернинг иккита реактив ҳарбий самолёти осмондан қулаб тушди. Ҳар иккала самолётнинг учувчилари ҳалок бўлди. Бир фалокат Эйфелодаги Нервених ҳарбий ҳаво базаси яқинида рўй берди. Ҳарбий самолёт фабрика склади биносига урилиб портлаб кетди. Портлаш вақтида бир ишчи ярадор бўлди. Иккинчи самолёт Крайльсгейм районида далага ағдарилиб тушиб портлади.

◆ Филиппинда вабо эпидемияси давом этмоқда. Шу кунгача 11.904 киши вабо билан оғриганлиги қайд қилинди, шулардан 1692 киши ўлди. (ТАСС).

—<>—

БИЛДИРИШ

Шу йил 31 январь кундуз соат 2 да область партия комитети биносида Тошкент область журналистларининг йиғилиши бўлади.

* * *

1962 йил 31 январда Радио уйи биносида (Куйбишев кўчаси, 17-уй), эрталаб соат 10 да журналистларнинг Тошкент шаҳар конференцияси очилади.

Делегатлар соат 10 дан 18 гача Ўзбекистон Журналистлар союзи правленнесининг биносида (Навоий кўчаси, 30-уй, II қават, 1-хона) рўйхатга олинади.

Справкалар 42-612, 40-144 телефонлари орқали берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР БЎЛИМИ БЮРОЛАРИ.

Индонезия парашютчи қўшинлари қўмондонининг буйруғи

ЖАКАРТА, 28 январь. (ТАСС) Индонезия парашютчи қўшинлари қўмондони полковник Вирядинатта шу қўшинларинг Бандунг ҳарбий аэродромида турган зарбдор қисмларига Ғарбий Ирнанни озод қилиш учун курашга жанговар тайёр бўлиб туриш тўғрисида буйруқ берди Бизнинг ҳукуматимиз, дейилади буйруқда, етарлик даражада сабрли бўлди ва голландияликларнинг 10 йилдан кўпроқ вақтдан бери ўтказиб келаётган игвогарлик сиёсатига чидам билан жавоб бериб келди. Голландияликлар бизнинг халқимизга нуқул алдаб келдилар. Улар кечириб бўлмайдиган ҳаракатлар қилдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор

30 ЯНВАРДА

Рус тилида: 18.00 — Будь готов! телевизион журнали, 18.55 —Телевизион янгиликлар, 19.10 — Жонли сув (киноочерк), 19.20 — Офсет печать фабрикасидан (репортаж), 19.45 — СССР халқ артистлари Роза Жаманова ва Ермек Серкебаев (суҳбатли концерт), 20.15 — Олижаноб кишилар номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.40 — Телевизион янгиликлар, 21.55 — Музика лугати саҳифалари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/I да Риголетто, 31/I да Лайли ва Мажнун.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/I да Почта (билетлар сотилган). 31/I да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да Тошболта ошиқ, (билетлар сотилган).

ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ БИНОСИДА — 30, 31/I кеч соат 7 ярамда. Татар ва бошқирд ашула, рақс, музика, юмор ва сатира кечалари. Бошқирдистон АССР да хизмат кўрсатган артист Фарида Қудашева ва Бошқирд давлат филармонияси артистлари қатнашади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/I дан Лўлилар аттракциони. Лўлилар цирк труппасининг бадиий раҳбари — Я. Д. Бреслер. Билетлар сотилмоқда.

Кино

Бу бизнинг еримиз! — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Комедияли фильмлар — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 10 да). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Деразадаги ёруғлик — «МИР» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 8 да).

Даъват (1 ва 2 серия) — НАВОИЙ номли. «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Менинг севгим — «ИСКРА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Менинг севгим — «ИСКРА» (эрталаб соат 9-45 ва 10-20 минутда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА
«ГОСТБАНТРЕСТ»НИНГ 1 ВА 2-СОН КИР ЮВИШ ХОНАЛАРИ

КАМИДА 5 КИЛОГРАММ МИҚДОРИДАГИ

КИРНИ

гражданлар уйида қабул қилади

Ҳар бир килограмм кирни ювиш ва дазмоллаш ҳақи — 32 тийин, чақириш ҳақи — 50 тийин.

Кирнинг сифатли ювилиши ва 5 кун ичида гражданлар уйига етказиб берилиши таъминланади.

Кирни қабул қилиш ва олиб келиб бериш сешанба кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача бажарилади.

Мурожаат учун адрес:
1-кир ювиш хонаси — Пушкин кўчаси, 4-уйда, телефон 32-919.
2-кир ювиш хонаси — 8 Март кўчаси 1-уйда, телефон 32-627.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334 ва 33262.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00835. Нашр. Г. — 1517.